

Муддассир сурасидан кейин Маккада нозил бўлган бўлиб, етти оятдан иборатдир. Куръони Каримнинг илк сураси бўлганлиги учун очиш (очилиш) маъносидаги «Фотиха» номи билан аталган. Бу суранинг бошка номлари ҳам бўлиб, улар китоблар онаси маъносидаги «Уммул китоб», диний асосларни ўз ичига олганлиги учун «ал-Асос», Исломни асос чегараларига англлатгани учун «ал-Вафия» ва етти оятдан иборат бўлиб, икки марта нозил бўлгани учун «Сабъул-масоний» ва бир канча сир-синоатларни мужассамлаштиргани учун «ал-Канз» (Хазина) деб ҳам номланган. Пайгамбаримиз саллаллоуу алайхи васаллам «Фотиха»ни ўқимаганнинг намози намоз бўлмади», деб мархамат килганлар. Шунинг учун «Фотиха» сураси намозларнинг хар бир ракъатида ўкилади.

Ушбу сура маъноси жихатидан энг улуг дуо ва муножот хисобланади. «Фотиха» сурасида факат яккаю ягона Аллохга бандалик килиниши, ёрдам, мадад ёлгиз ундан келиши, хидоят (тўгри йўл)га мушарраф бўлиш ва тўгри йўлдан адашиш уам Аллох таолонинг хошиш-иродасига богликлиги, чунки яхшилик ва ёмонлик – хар иккисининг хам яратувчиси Аллох жалла жалалуху эканлиги ўз ифодасини топган. Куръони Карим бутун инсонларга тўгри йўлни кўрсатиш учун нозил килингандир. «Фотиха» сурасида эса Куръонда келтирилган асосларни маъно-мазмун жихатидан ўз ичига олган оятлар мавжуддир. Зеро, «Фотиха» сурасида мадху саного, таъзим ва ибодат килишга лойик ёлгиз Аллохнинг борлиги, Ундан бошка суянадиган бирор куч-кудрат йўклиги англлатилади хамда тўгри йўлга кириш, яхши солих инсонлардан бўлиш ва охират саодатига ноил бўлиш Яратувчи Зотдан сўралади.

1.Бисмилла'хир рахма'нир рахи'м

Бу китобни хамма махлуотларга тириклик неъматини бериб ризклантиргувчи Аллох таолонинг номи билан бошлайман. У камолга етказувчи, ахли иймонга рахм килиб, меҳрибонлик ила жаннатга киргузувчи ва унда иззат ва хурмат кўргизувчидур.

2.Алхамду лилла'хи Раббил а'лами'н. 3.Аррах-ма'нир рахи'м. 4.Ма'лики йавмидди'н Яъни Аллох таоло айтади: «Эй бандалар, хамд айтинглар. Хамд – кўркам сифатлар ва яхши мактовлар Аллох таолога хосдир. Яъни Аллох таолонинг ўзига лойик ва муносибдур. Чунки Аллох таоло роббил а'лами'ндур, яъни хамма оламни яратиб тарбия килгувчидур». Бизга кўриниб турган ва кўринмаган оламларнинг яратувчи ва тарбия килувчиси ёлгиз Парвардигорнинг ўзидур. Аллох таолонинг бир сифати Рахмондур, яъни дунёда мўмин ва кофирни яратиб, баробар ризк бериб тарбия килгувчидур. Ризк берувчиликда хаммага баробардур. Аллох таолонинг яна бир сифати: Рахиймдур, яъни Аллох таоло иймонли бандаларига меҳрибондур. Охиратда рахмат килгувчидур. Бу рахматига дохил бўлиш учун киши иймонлик бўлиш шартдур. Аллох таолонинг яна бир сифати: Ма'лики йавмидди'ндур, яъни Аллох таоло жазо кунининг эгасидур. Явмиддин деб хисоб-китоб килинадиган кун — Киёматни айтилур. Хисоб-китоб кунининг эгаси, албатта, Аллох таолонинг ўзидур. Бошка Зот эмасдур.

5.Иййа'ка наъбуду ва иййа'ка настаъи'н

Аллох таолодан тилайдиган тилакни Аллохнинг ўзи бизга таълим бериб айтади: Эй

бандалар, айтинглар Ийи-а'ка наъбуду деб, яъни: «Эй Парвардигорим, биз факат сенгагина ибодат киламиз. Сендан бошкага ибодат килмаймиз ва сизинмаймиз. Кулликни Сенинг ўзингга киламиз». Ва бас, Ва ийи-а'ка настаъи'н, денглар, яъни: «Эй Худо, биз хар нечук хожатимиз бўлса, мададни Сенинг ўзингдангина тилаймиз ва ёрдамни хам факат Сенинг ўзингдангина сўраймиз ва бошқадан асло талаб килмаймиз». Яна Аллох таоло: «Тиланглар мендан?» деб кейинги оятларда мархамат килади.

6.Ихдинас сиротал мустаки'м

Яъни Эй Аллох, бизларга тўгри йўлни кўрсатгил.

7.Сироталлази'на анъамта алайхим

Шундог тўгри йўлки, пайгамбарларга, авлиёларга инъом ва эхсон килиб берган эдинг ва ўшал зотларга берган рост йўлларингни бизга хам бер ва насиб этгил.

Гайрил магзу'би алайхим

Уларга газаб килинган эмас, яъни эй Парвардигорим, бизларни Сенинг газабингга колган яхудийларнинг йўлидан бошка йўлга бошлагин. Чунки яхудлар Пайгамбаримиз хазрат Мухаммад алайхиссаломни Пайгамбар деб эътикод килмайдилар.

Валаз зо'лли'н

Ва улар адашганлардан хам эмаслар, яъни эй Парвардигорим, бизларга ул адашган насронийларнинг, гумрохларнинг йўлини кўрсатмагилки, улар тўгри йўлдан озиб, Сендан бошқаларга сизиниб, чўкиниб, Сенинг зотингга бошқаларни шерик килиб йўлдан оздилар. Бу йўл эса бутпарастларнинг йўлидур.

Мухаммадхон мулло Исхок кори ўгли Махжурий тафсири